



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doveric.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

2012-yil 29-may № 65 (3102) seshanba

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун олий маълумотли ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизими вужудга келтирилган.

Бунинг натижасида ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги 1537 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида 214 та талаб этилаётган йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича 115,8 минг нафар педагог ходимлар кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизими шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида

коллежларини хорижий тиллардан дарс берувчи малакали мутахассислар билан таъминлашга етарлича эътибор берилмапти.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг раҳбарлар таркибини педагогик иш соҳасида етарлича тажрибага эга бўлган касб маҳорати юқори мутахассислар билан янада мустаҳкамлаш талаб этилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида таркиб топанга тизим замон талабларига жавоб берадими.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касбий тайёргарликка эга, замонавий фикрловчи кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаш тизимини тубдан яхшилаш, ўсиб бораётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда махсус комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар давомида касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг фаолиятида аниқланган камчиликларни бартавраф этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, уларни касбий тайёргарликка эга, замонавий фикрловчи кадрлар билан таъминлашга, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилсин.

Қўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 1 сентябрга қадар ва 2012 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот берилсин.

2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими бошқарув органларининг раҳбар кадрларини танлаш, тайинлаш ва аттестациядан ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг янгиланган таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими бошқарув органларининг раҳбар кадрларини танлаш, тайинлаш ва аттестациядан ўтказиш бўйича Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда касб-хунар коллежларининг раҳбар кадрлар билан таъминланганлигини танқидий қўриб чиқсин, ушбу масалада ишларни тегишли даражада ташкил этилишини таъминламаган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда коллежларнинг раҳбарлар таркибини етарлича педагогик иш тажрибасига эга бўлган касб жиҳатдан тайёрланган мутахассислар билан янада мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 1 августга қадар ва 2012 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича ўрнатилган тартибга қўра, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг директорлари икки йилда бир марта, ўқитувчи кадрлар эса ҳар уч йилда камида бир марта аттестациядан ўтказилишлари кераклиги маълумот учун қабул қилинсин. (Давоми 2-бетда)

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН ДОИРАСИДА



### Ҳайрат ва ҳавас оғушида

Халқимиз ўтмишидан хикоя қилувчи маданияти, урф-одатлари дунё ахлининг эътиборини тортди. Айниқса, асрлар оша сақланган келатган ноёб меъморий обидалар аждодларимиз даҳосидан далолат. Истиқлол йилларида ушбу буюк меросни асраб-авайлаш, тарихий шаҳарлар архитектурасида ўтмиш ва замонавийлик уйғунлигини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. «Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг роли» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчилари ҳам қадимий ва навқирон Бухоро ҳамда Самарқанд шаҳарларида қилган саёҳати давомида бунга яққол гувоҳ бўлишди.

Делегация аъзолари БУХОРОга ташириш давомида «Шарқ гавҳари» номини олган боқий шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар. Чунинчи, Баҳоддин Нақшбанд зiyorатгоҳи, Сомонийлар мақбараси, Тоқи Заргарон, Тоқи Телпақфурушон, Тоқи Саррафон савдо расталари, Пойи Калон ва Лаби Ҳовуз тарихий мажмуаларида бўлишди.

Саёҳат давомида меҳмонларнинг таассуротлари билан қизиқдик:

**С.Меҳталиев, Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси:**

— Қадимий Бухоро ҳақида кўп эшитганман, ўқиганман. Аммо ўз кўзим билан кўрганим бошқача бўлди. Тарихий обидаларини асраб-авайлаш, ҳунармандчилик аъёнчаларини сақлаб қолиш ва уларни ривожлантириш ҳар қандай халқнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ўзбек халқининг миллий маданиятига ҳурмат-эътибор билан қараб келатган Юртбошинизга тасанно айтгим келди. Бухорони очик осмон остидаги музей ҳисоб қилсам, хато қилмаган бўламан.

**А.Моҳант, халқаро эксперт (Ҳиндистон):**

— Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи тобора осяяпти. Бунда касаба уюшмаларининг ҳам сезиларли ҳиссаси бор. Муштарак мақсадлар меҳнатқашлар манфаатини ҳимоя қилиш билан бирга дунё мамлакатлари билан ҳамкорлиги ривожлантиришга янада

самарали хизмат қилишига ишонаман.

**С.Кондрюк, Украина касаба уюшмалари Федерацияси раиси уринбосари:**

— Бухоро саёҳатидан ниҳоятда мамнунман. Шаҳар ўтмиши жуда бой тарихга эга экан. Кўҳна обидалар мени лол этди. Ақлзаковатли, меҳнатқаш, ҳунарманд ва меҳмондўст халқинизнинг бунёдкорлигига шубҳа йўқ.

Сафардан катта таассурот олган меҳмонлар шу куни Бухородан Самарқандга жўнаб кетдилар.

САМАРҚАНДга окшомада етиб келган халқаро анжуман иштирокчилари миллий маданият ва замонавий архитектура ютуқларидан ҳайратда эканликларини яшириб ўтиришмади. Айниқса, Регистон пойидаги тароватли гўша Йўлбарслар хиёбони манзарасини ҳеч ерда учратмаганлигини тан олишди. Истиқлол шарофати ила бу дийрда амалга оширилган асрларга татигулик ишлар уларда катта таассурот қолдирди.

Меҳмонлар 28 май тонгидан қадимий маданиятимиз дурдоналари бўлмиш Регистон майдонидаги Шердор, Тиллақори, Улугбек мадрасалари, Гўри Амир мақбараси, Бибиҳоним мадрасаси ҳамда Шохизинда мажмуасини зiyorат қилишди. Шу куни улар авлиё Дониёр мақбараси ҳамда фалақий илмининг султони Мирзо Улугбек расадхонаси билан танишишди. Меҳмон-

лар сафар давомида ҳайрат ва ҳавасга тўла дил изҳорларини сўзлаб беришди. Галиня Антон, Беларус касаба уюшмалари Федерацияси бўлим мудири:

— Ўзбекистон тараққиётидаги алп қадамларини бутун дунё эътироф этмоқда. Биз эса бу ердаги ўзгаришларни кўриб, ҳайратга тушдик. Ҳамдўстлик давлатлари билан таққосласак, бу жуда катта натижа. Тан олиш керак, кўҳна маданиятга, боқий қадриятларга меҳру муҳаббатни сизлардан ўргансак арзийди.

**Ж.Витторно, халқаро эксперт (Италия):**

— Ортингиздаги ўзгаришлар — тинч тараққиёт ва изланиш меваси. Бу дийр ҳақида кўп нарса билмаслигимизни англадим. Меҳмондўст, оққўнғил халқинизга кўз тегмасин. Шарқдаги Рим саналими Самарқанд мени батомон лол этди. Бу шаҳардаги мафтункор, шарқ ва гарб андозаларини ўзида мужжасам этган замонавий бинолар кўҳна маданиятга ҳамоҳанглик касб этиб турибди. Бу уйғунлик ўсиб-ўлғайиб келатган авлод қалбига ҳаммиша гурур ва фах бағишлашига аминман.

**С.Гловацкас, ХМТнинг Москвадаги бюроси бош мутахассиси:**

— Бухоро ва Самарқанд саёҳати қалбимизда ўчмас таассурот уйғотди. Одамларнинг бу юртга нега талпинишлари сабабини англагандек бўлдим. Имкон бўлса, такрор ва такрор меҳмондўст дийрингизга ташриф буюришдан ўзимни бахтиёр санардим. Мўъжизакор табиати, иқлими ва шаҳару қишлоқлари мени ўзига мафтун қилиб қўйди.

Самарқанд саёҳатидан мамнун меҳмонларни шаҳар темир йўл бекатида Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида ягона учқур поезд «Афросиёб» кутиб олди.

Ўз мухбирларимиз

## САРҲИСОБ

# ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

**Халқ таълими вазирлиги оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўқув йили якунларига бағишланган брифинг ўтказди. Унда вазирлик вакиллари 2011-2012 ўқув йили якунлари бўйича йиғилганларга батафсил маълумот бериб ўтдилар.**

Айтиш жоизки, 2011-2012 ўқув йили муҳим воқеалар, жаҳон миқёсидаги тадбирларга бой бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ташкиллаштирилган «Ожаск билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусида халқаро конференцияда қарийб 1000 нафар иштирокчи, жумладан, дунёнинг 48 давлати, 8 та халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил иштирок этди.

Халқ таълими тизимида бугунги кунда 9763 та умумтаълим мактаби, 301 та мусиқа ва санъат мактаби, 443 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда.

Бу йил мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактаблари 9-синфларини 560 345 нафар битирувчи тамомлаб, уларнинг барчаси ўз қизиқиши ва имкониятларидан келиб чиқиб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқишни давом эттирадилар.

2011-2012 ўқув йилида мактаб ўқувчилари республика ва халқаро фаол олимпиадалари, спорт мусобақалари ва мусиқа фестивалларида муносиб иштирок этишди. Жумладан, 2011 йилда Республика фаол олимпиадасининг IV босқичида 521 нафар ўқувчи қатнашиб, шундан 47 нафари умумтаълим мактаби ўқувчиларидан иборат бўлди. IV босқич якунига қўра, жами 22 та фандан 54 нафар голиб ўқувчи аниқланиб, 7 нафар умумтаълим мактаби ўқувчилари 1-ўринни қўлга

киришти. Жорий йилнинг 28-31 май кунлари ўтказилган Республика фаол олимпиадасининг IV босқичида 32 нафар умумтаълим ва махсус мактаб-интернати ўқувчилари иштирок этди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан жорий ўқув йилида 91 та Республика мусобақалари ўтказилган бўлиб, уларга жами 13 940 нафар ўқувчи жалб этилди, шундан 5151 нафари қизлардир (9306 нафари қишлоқ ҳудудларидан, шундан 3224 нафари қизлар).

Республика бўйича ўтказилган спорт тадбирлари давомида Олимпия, Осиё ўйинлари, Халқаро ва Республика совриндор ва чемпионлари билан 19 та спорт тадбирларида учрашувлар ва маҳорат сабоқлари ўтказилди. Унда жами 4274 нафар ўқувчи ёшлар иштирок этди.

2011-2012 ўқув йилида 89 нафар истеъдодли ёшларимиз Франция, Италия, Германия, Буюк Британия, Руминия, Россия, Озарбайжон каби давлатларда ўтказилган турли хил нуфузли халқаро танловларда иштирок этиб, соврин эгасига айландилар. Биргина 2012 йилнинг ўтган

даври мобайнида ўтказилган турли нуфузли халқаро мусиқа танловларида иштирок этган 12 нафар болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари энг олий ўринга сазовор бўлишди.

2012 йилда 4 нафар мактаб битирувчиси «Зулфия» номидаги Давлат муқофотига сазовор бўлган ҳам тизимда фаолият кўрсатаётган устоз ва мураббийларнинг тинимсиз меҳнати натижасидир.

Жорий ўқув йилида билимлар беллашувларининг барча босқичларида 1 294 250 нафар ўқувчи иштирок этди. Шулардан 830 нафар ўқувчи беллашувининг республика босқичида қатнашди. Билимлар беллашувларида юқори натижа кўрсатган 500 нафар ўқувчи «Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи»га йўллангани ўзи учун нақд қилиб қўйди. Оромгоҳда ўқувчиларнинг мазмуни ҳордиқ чикаришлари учун малакали мутахассислар, методистлар, тажрибали ўқитувчилар жалб этилиб, турли маданий-маърифий тадбирлар, интеллектуал ўйинлар ўтказилди.

Вазирлик томонидан фидойи ўқитувчиларни рағбатлантириш ва

илгор тажрибаларни омалаштириш мақсадида аънанавий равишда ўтказилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танлови жорий ўқув йилида ҳам юқори савияда ташкил этилди. Танлов якунига қўра, 14 та фандан «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» аниқланди.

2012 йилнинг 25 май куни барча умумтаълим мактабларида «Мустақил юрт фарзанди, Она Ватан сени хорлайди!» шiori остида «Сўнгги қўнғироқ» тадбирлари бўлиб ўтди.

Ўз қобилиятини билимлар беллашуви, фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида намойён қилган ўқувчилар «Сўнгги қўнғироқ» тадбирлари давомида алоҳида тилга олиб ўтилди. Шунингдек, «Энг ибратли бола», «Энг фаол ўқувчи», «Ижодкор ўқувчи», «Еш ихтирочи», «Энг зукко ўқувчи», «Мактабимиз фахри», «Спорт устаси», «Компьютер устаси», «Шахмат устаси» каби номинациялар бўйича иқтидорли ўқувчилар ҳам тақдирланди.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «Ishonch» мухбири

Ёш соғломлаштириш олдидан

## Мавсум тадориғи

2-бет

«Инсонга наф келтириш — олий бaxт» танловига

## Касаба-қўмлар оиласи

2-3-бетлар

Мулоҳаза

## «Бу бизнинг кўча эмас-ку?»

4-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирликлар ва идораларни жалб этган ҳолда, икки ой муддатда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги Низомни танқидий қайта кўриб чиқсин ва ўзгартиришлар киритсин. Бунда ўқитувчилар таркибининг компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан, интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиши мажбурий эканлигига алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази:

таълим жараёнида илгор педагогик услуб ва технологияларни («case study» услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, «амалий ўйин»), интерфаол таълим услуби ва бошқалар), ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдирларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқсин;

чет эл тажрибасини иноватга олган ҳолда, уч ой муддатда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун янги ўқув режалари ва дастурларини қайтадан ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин, уларда анъанавий мактаб таълими услубларидан воз кечиб, амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти бўйича соатлар кўпайтирилишини назарда тутсин;

икки ой муддатда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг таълим жараёнига илгор педагогик ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин;

Вазирлик, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва унинг ҳудудий тузилмаларининг раҳбарлари мазкур чора-тадбирлар амалга оширилиши учун шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида қаттиқ оғохлантирилсин;

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тармок (базавий) касб-хунар коллежлари ҳузурида ўқитувчи кадрларнинг замонавий ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш асосида илгор педагогик технологияларни

эгаллашлари бўйича доимий фаолият юритадиган семинарларни ташкил қилсин.

Шубу семинарларни ўтказиш учун мазкур технологияларни эгаллаган мутахассисларни штат асосида тақлиф қилишга рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази вазирлик ва марказнинг мансабдор шахслари, олий ўқув юрталарининг етакчи ўқитувчилари ичидан ушбу семинарларни ўтказиш учун масъул шахсларни бириктириб қўйсин, семинар ишини мунтазам назорат қилиб борсин, зарур ўқув-услубий ёрдам кўрсатсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари томонидан касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш савияси ва сифати устидан қаттиқ тизимли назорат ўрнатсин, бтирувчиларнинг касбий тайёргарлиги билан бир қаторда, уларнинг замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни эгаллашларига, педагогик амалиётни коллежлар ва лицейларда мажбурий равишда ўтишларига алоҳида эътибор қаратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2012 йил 1 сентябрдан бошлаб касб-хунар коллежлари ишлаб чиқариш таълими усталарининг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкаларини, малака тоифаларига қараб, касб-хунар коллежлари тегишли малака тоифаларидаги ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкаларига тенглаштириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда, бир ой муддатда, ўрта махсус, касб-хунар таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги мажбур Низомга ҳамда касб-хунар коллежлари, ишлаб чиқариш таълими усталарининг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкалари миқдорларига тегишли ўзгартишлар киритсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази манфаатдор идоралар

ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда, икки ой муддатда, касб-хунар коллежларини ўқув-амалий машғулотларни ўтказиш учун сарфланадиган материаллар ҳамда зарур хомашё билан таъминлаш меъёрлари ва механизмни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

10. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга ихтисослашган олий таълим муассасалари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтини таъинлаш ҳамда академик лицейларнинг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ягона меъёрий-услубий базани ишлаб чиқиш ҳамда ўқув жараёнини ташкил қилиш юзасидан бош муассаса вазифаси юклансин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда: ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадр-

лари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тўғрисидаги Низомни; ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг янгиланган тузилмасини тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2012 йилги Давлат бюджетига назарда тутилган маблағлар доирасида, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун бюджетдан етарли маблағлар ажратсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида» 2005 йил 28 февралдаги Ф-2146-сон фармойиши 2-бандининг иккинчи хатбоши ва унинг 1-илоvasи ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И. КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2012 йил 28 май

ЎЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОЛДИДАН



ЎзКУФК мажлислар залида ташкил этилган семинар кенгашида Тошкент шаҳар касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вакиллари Тошкент шаҳар ҳокимлигининг тегишли бошқармалари раҳбарлари, тармок касаб ва уюшмалари шаҳар ташкилотлари ҳамда оромгоҳларнинг раислари иштирок этишди.

Семинарда 2012 йил ЎзГИ соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик масалалари муҳокама этилди.  
— Семинардан мақсад ЎзГИ соғломлаштириш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш учун амалга оширилган сўнгги тайёргарлик ишлар юзасидан фикр алмашиш, олдимизда турган масъулиятни паллани ҳамкорликда, юқори савияда ташкил этишга қаратилган, — деди Тошкент шаҳар касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нурулла Насимов. — Утган йилда болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 42 мингдан зиёд болалар соғликларини тиклашди. Бу йилги мавсумда 19 та болалар соғломлаштириш оромгоҳида 43 минг на-

фардан ортик, жумладан, қорақалпоғистонлик 1870 нафар болаларнинг соғломлаштирилиши режалаштирилган.  
— Болаларнинг мазмунли дам олишини юқори савияда ташкил этиш барчамиздан катта масъулият талаб қилади, — деди бирлашма кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Шаҳодат Тулаганова. — ЎзКУФК ва Тошкент шаҳар касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан соғломлаштириш мавсумига оромгоҳларни тайёрлаш, тоза ичимлик суви, сифатли ва калорияли озиқ-овқат билан таъминлаш, турли маданий тадбирлар уюштириш, мактаблар қошидаги оромгоҳларда дам олаётган болаларни

Мавсум тадориғи

саёхатларга олиб чиқиш каби ташкилий ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Семинарда мавсумга тайёргарлик ҳамда оромгоҳларни санитария-гигиена қоида ва меъёрлари талабларига мослиги касаб ва уюшмалари мутахассислари, давлат санитария-эпидемиология маркази ходимлари томонидан ўрганиб чиқилгани таъкидланди. Жумладан, Бўстонлик туманининг Октош, Хумсон, Юсуфхона ҳамда Чорвоқ ҳудудларида жойлашган 17 та стационар ҳамда шаҳарнинг Уч-тепа ва Юнусобод туманларида жойлашган иккита оромгоҳ фаолияти ўрганилиб, ишчи гуруҳлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан тақдимномалар берилган. Оромгоҳларда инженерлик коммуникацияси, чунончи, ичимлик суви ва коммунал фойдаланиш иншоотлари, жойларда телефон алоқасини тиклаш, кутубхоналарини янги наشرлар билан тўлдирishi каби ишлар бажарилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, шаҳар ёнгин хавфсизлиги, йўл патрул хизмати, фавқулодда вазиятлар бошқармаси, соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология маркази, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти ва бошқа тегишли ташкилотлар вакилларининг маърузалари тингланди. Билдирилган тақлиф-мулоҳазалар, тавсияларни амалиётга таъбиқ этишга келишиб олинди.

Кун тартибига кўра, иштирокчилар секцияларга бўлинган ҳолда амалий машғулотларда малака оширишди.

Нарзулла МАҲАМОВ,  
«Ishonch» мухбири,  
Козим УЛМАСОВ  
олган сурат

Бу йил Ўз мавсумида Навоий вилоятида 35 та дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият юритади. Шундан 12 таси шаҳардан ташқари ва 23 таси кундузги мактабди оромгоҳлар бўлиб, уларда жами 17 минг 920 нафар ўғил-қиз дам олдирилади.

Яқинда «Қизилқумцемент» ОАЖ га қарашли Навбахор тумани ҳудудидаги «Шабода» оромгоҳида вилоят семинари бўлиб ўтди. Унда барча оромгоҳларнинг директорлари, мутасадди идора ва ташкилот раҳбарлари, тизимда ишловчи табиёт, педагог-тарбиячилар, ишчи ходимлар иштирок этдилар. Шу муносабат билан вилоят касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Нормухол Нурмоновдан мавсум олдида кўрилаётган тайёргарликлар ҳақида сўрадик.

— Бу йилги мавсумга ҳар қачонгидан пухта ҳозирлик кўрилатди, — деди у. — Турли хил спорт тадбирлари, маданий-маърифий, бадийлаштирилган кечалар, оромгоҳларо кўрик-беллашувлар, «Олтин тож», «Йўла, изла, топ!», «Балли, қизлар!», синга, ишчи кўнгилочар ўйинларнинг ранг-баранг тақлиплари учун ҳозирданок сценарийлар ту-

зишга киришганмиз. Бундан ташқари, вилоят «Саёхат ва экскурсия бюроси» давлат корхонаси билан ҳамкорликда музей ва зиёратгоҳларга, Нурота «Чашма» мажмуасига саёхатлар уюштириш назарда тутилган. Ўнлаб тўғарақлар фаолият юритади. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг чора-тадбирлари режасида ҳам ҳамкорлигимиз ўз аксини толган. Таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, цирк томошалари, давра суҳбатлари ўтказиш кўзда тутилган.

Куннинг иккинчи ярмида Қизилтепа туманидаги «Бўстон» ҳамда «Дўстлик» оромгоҳларида бўлди. Ёқил энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаб ва уюшмаси Навоий вилоят кенгаши раиси Низомиддин Шаниязов ҳамроҳлигида «Навоийазот» ОАЖ та-сарруфидаги «Офтобжон», «Электромехзаводи» ЁАЖКнинг «Камалак» оромгоҳлари

мавсумолди тайёргарликлари билан яқиндан танишиб, барча оромгоҳларда тайёргарлик ишлари ниҳосига етиб бораётганининг гувоҳига айландик.

«Ишонч» номи билан юритилувчи яна бир намунави оромгоҳда бўлди. Вилоят касаб ва уюшма ташкилотлари бирлашмаси ишлар бошқарувчиси, оромгоҳ директори Тўлқин Усаров билан Карман тумани ҳудудидаги ушбу обод манзилни кўздан кечирдик. Қарийб 4 гектарлик майдонни ўз ичига олган томорқани кўриб ҳавасимиз орди. Бир гектардан зиёд майдонга бундан икки йил аввал ўтказилган 300 туп мева дарахлар бу йил ҳосил бера бошлади. Бу ерга 1500 туп Петунья гул ниҳоллари ўтказилганлиги эса оромгоҳ қиёфасига кўрк қўшиб турибди.

Хуллас, мавсум давомида 320 нафар болаларнинг кўнгилли дам олиши учун барча шароит тахт қилиб қўйилган. Турфа спорт ўйингоҳлари, сув ҳавзаси, кутубхона, теннис, шахмат, шашка ва маънавий хоналари... Уларда ҳадемай ҳаёт қайнади.

Мансур АЛОВУДИНОВ,  
«Ishonch» мухбири

ТАНЛОВ

Агросаноат мажмуи ходимлари касаб ва уюшмаси Марказий кенгаши, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси, «Микрокредитбанк» ОАТБ, «Ипотекбанк» АТИБ, «Агробанк» ОАТБ, «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ ҳамкорликда коллеж ҳамда академик лицей талаба ва ўқувчилари ўртасида «Менинг бизнес гоям» танловини ўтказди.

Менинг бизнес гоям

Танлов тўрт босқичда ташкил этилди. Бўстонлик туманида жойлашган «Кўёшли» оромгоҳида сўнгги босқич баҳслари бўлиб ўтди.

Унда ўқув-семинар ташкил этилиб, «Бизнесни тартибга солувчи қонуний-меъёрий ҳужжатлар», «Кичик бизнеснинг юридик мақомини танахш», «Тадбиркорлик фаолиятида хавфсиз меҳнат шароитини яратиш», «Тадбиркорлик фаолиятида касаб ва уюшмасининг роли», «Тижорат банкларининг кредит сисёти», «Бизнес режа ёзиш талаблари», «Маркетинг», «Кичик бизнесда брендинг ва нейминг», «Қорхона маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш», «Кичик бизнесни солиқда тортиш муаммолари», «Савдо-саноат палатасининг кичик бизнесга ёрдам бериш имкониятлари», «Кичик бизнесда технологияларни топиш, олиб келиш ва сотиб олиш шартлари» сингари мавзуларда иштирокчиларга кенг тушуна берилди. Шунга кўра, бтирувчи талабалар ўз бизнес режаларини тузиб, танлов ҳайъатига топширишди.

Ғолибларга Республика Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратилиши режалаштирилган бўлиб, уни олган ёш тадбиркорлар ўз фаолиятларини бошлаш имкониятига эга бўладилар.

Қувондик МУҚИМОВ,  
АСМ ходимлари касаб ва уюшмаси Марказий кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири



«ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ» ТАНЛОВИГА

Навоий вилоятининг Нурота туманига ҳеч йўлингиз тушганми? Унда одамлари қандайдир истарали эканига эътибор берган бўлишингиз керак. Балки зиёратга борганим учун менга шундай туюлгандир, деб ўйлардим. Аммо, яқинда яна бир нуроталик киши билан танишдим ва улуг қадамжого эган нур инсонлар юзида ҳам акс этишига ишондим. Қаҳрамоним кўпчиликка таниш. Чунки нафақат ўзи, балки турмуш ўртоғининг суяги ҳам касаб ва уюшма тизимида қотган.

Бек

Нуротанинг Баргсўз маҳалласида 1949 йилда таваллуд топган Қаҳқор Раҳмонов шаҳардаги 1-мактабни битиргач, 1967 йилда Самарқанд Давлат университетининг математика факултетига ўқишга кирди. 1973 йилдан бошлаб Нурота тумани мактабларида ўқитувчи, халқ таълими бўлимида услубчи, илмий бўлим мудири ва директор сингари турли вазифаларда ишлади. Шаҳардаги ўқув ишлаб чиқариш комбинатида раҳбарлик ҳам қилди.

Узининг тўғрисида ва ҳаққаблаглиги билан эл назарига тушди. Шунинг учун 1999 йил туман таълим ва фан ҳозирги таълим, фан ва маданият ходимлари касаб ва уюшмасига раҳбар этиб сайланди. Шундай бўён ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда гамхўр етакчи сифатида ўз билим, куч, ғайратини аямасдан меҳнат қилиб келмоқда. Хар йили 40-45 нафар ходимни дам олдириш учун сикхтоҳларга юборди. 200 нафар ортик соҳа ходимлари, нафақадаги ўқитувчилар билан Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёхатлар уюштириди. Байрам кунлари ўнлаб фахрий устозларга совғасалом улашди. Уруш қатнашчилари ҳолидан доим хабардор. Кам дармавдлий оилаларга моддий ва маънавий ёрдам уюштириши аънанга айланган-

ган. Айнан мана шу ташаббус ва фидойилик самараси ўлароқ, Қаҳқор акани яқинда яна туман таълим, фан ва маданият ходимлари касаб ва уюшма кенгашининг раиси этиб сайландилар. Қаҳқор аканинг яна бир устунлик жиҳати — математика ўқитувчиси сифатида ўқувчиларга пухта ва мукамил билим бера

бери турмуш аравасини баравар тортиб келаятган бека — Раъно Маҳкамма ва шифокор-педиятр. У 36 йил туман болалар поликлиникасида болалар шифокори бўлиб ишлади. 14 йил бошланғич касаб ва уюшма кўмитаси раислигини ҳам бажарди. Ҳозирги кунда маҳалла фуқаролар йиғинида

КАСАБАҚУМЛАР

олишидир. Зеро, ҳозир қўллаб шогирдлари ўзи билан ёнма-ён ишлаб келмоқда. Унинг математика фанига доир қизиқарли мисоллар тўплами ҳам чоп этилган. Шу ютуқлари учун у «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» (1993 йил) «Мустақилликнинг 15 йиллиги» эсдалик нишони (2006 йил) ва «Таълим хомийси» кўкрак нишони (2008 йил) билан тақдирланган. У ҳозирги кунда «Будик» маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатиш баробарида 2004 йилдан бўён УЗЛИДеПнинг Нурота туман кенгаши раис ўринбосари сифатида ҳам ишлаб келмоқда.

Бека

Қаҳқор ака билан 1975 йилдан

хотин-қизлар кўмитасига раислик қилаётир.

Аржумандлар

Улар етти нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб тарбиялашди. Қизлари Шахло вилоят халқ таълими бошқармаси услубчиси, халқ маорифи аълочиси, 2008 йилги «Йилнинг энг яхши методисти» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби. Гулрух Навоий шаҳридаги 16-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси. Айнан ота изидан борган Чарос Нурота туман халқ таълими бўлими математика ва информатика фани методисти. Онага издош бўлган Шаҳноза Тошкент пе-

раҳбарим бўлган, — деди тумандаги 55-мактабнинг бошланғич касаб ва уюшма ташкилоти раиси Юнус Бозоров. — У кишининг ҳозиргача кўрсатиб келаятган йўл-йўриқлари туфайли мактабимиз касаб ва уюшмаси ўтган йили меҳнат муҳофазасини ташкил этиш бўйича ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этдик. Унинг яна бир шогирди, Нурота ижтимоий-иқтисодий коллежи БКУ раиси Ғиёс Холбеков эса, устозининг маслаҳат ва кўрсатмалари сабабли «Соғлом оила — юрт таяничи» шиори остида ўтказиб келинаётган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» мусоба-

Шогирдлар — Қаҳқор Раҳмонов менинг синф

Модернизациялаш шароитида асосий воситаларнинг самарадорлигини ошириш пахта тозалаш санюат корхоналарида ҳам муҳим ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги «2007-2011 йилларда пахта тозалаш санюат корхоналарини модернизация ва қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарорида айни шу вазифа қўйилган эди.

Пахтасаноат:

Ишлаб чиқариш самарадорлиги йўлида

Асосий воситаларнинг техник ҳолати, янгилаш динамикаси, янгилашни ва яроқлик, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражалари, фонд сифими, фонд қайтими таҳлил қилиниши асосида асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги аниқланади. Айниқса, пахта тозалаш корхоналарида бундан аниқлашда масалага тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш лозим. Шунинг учун ҳам корхоналарда асосий воситалар ҳолати ва фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш зарур бўлиб, бунда қуйидагиларга эътибор бериледи:

- корхонанинг асосий воситалари умумий ҳажмини аниқлаш ва унга баҳо бериш;
- асосий воситалар таркибини ўрганиш. Бунда асосий воситалар фаол қисмининг қўлайлиги ижобий баҳоланади;
- асосий воситалар ҳолати ва ҳаракатини таҳлил қилиш;
- асосий воситаларнинг фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш.
Корхона асосий воситаларини таҳлил қилишда барча кўрсаткичларни ўрганиб, уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаб, умумий ҳулосалар қилиш мумкин.
Корхонанинг асосий воситаларини таҳлил қилишда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, бизнес-режа, статистик ҳисобот маълумотлари, инвентаризация натижалари ва бошқалардан фойдаланилади. Айниқса, молиявий ҳисоботнинг «Бухгалтерия баланси» шакли ва «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» шакли маълумотлари муҳим манба ҳисобланади. Асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичларга таъсир қилувчи омилларни ҳисоблашда аналитик ҳисоб маълумотларидан ҳам фойдаланиш лозим.
Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш дастурининг бажарилиши, чиқарилаётган маҳсулот сифати, корхона молиявий аҳолининг кўрсаткичи, иш самарадорлиги кўп жиҳатдан асосий воситалар ҳолати ҳамда улардан фойдаланиш даражасига боғлиқ.
Асосий воситалар тузилмаси тармоқ хусусиятини ҳисобга олиб аниқланади. Шу асосда тузилманинг прогрессивли-

ги, корхона техник жиҳозланганлигининг ўсиши, бу ўзгаришларнинг қўл меҳнати ҳисобини камайтириш, меҳнат унумдорлигини оширишга таъсири тўғрисида ҳулосалар чиқарилади.
Асосий воситалар таркибини ҳисоблаш учун маълумотлар йиллик молиявий «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида»ги ҳисоботдан олинади. Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:
1. Фонд самарадорлиги. Таҳлил қилинаётган даврда (одатда бир йилда) ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулотнинг уларнинг йиллик ўртача қиймати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:
ФС=ИЧ/АФ. Бунда ФС — фонд самарадорлиги, ИЧ — таҳлил қилинаётган даврда маҳсулот ишлаб чиқариш, АФ — ишлаб чиқариш асосий фондларининг йиллик ўртача қиймати.
2. Фонд рентабеллиги. Асосий воситаларнинг бир сўмига тўғри келадиган фойда улushiни ифода этади. У ҳам соф фойданинг асосий воситалар йиллик ўртача суммасига нисбатан ўлароқ керакли формула бўйича ҳисобланади.

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигига қуйидаги омиллар таъсир этади:
- ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажми;
- асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати;
- ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги;
- асосий фондлар айрим турларидан фойдаланиш самарадорлиги.
Таҳлилда бу омиллар таъсирини ҳисоблаш, олдинги йил ва жорий йилдаги ишлаб чиқариш дастури билан қиёсланади.
Таҳлил натижалари шунини кўрсатадики, фаолият кўрсатган кўпгина корхоналарда ҳисоботнинг жиҳатдан эскирган, ишлаб чиқариш техник қувват талабга жавоб бермайдиган асосий воситалар мавжуд. Уларни ҳисобдан чиқариш натижасида мол-мулк солигини оптималлаштириш мақсадида қуйидагилар тақлиф этилади:
- асосий воситаларни тугатиш далолатномалари бўйича

ҳисобдан чиқариш;
- асосий воситаларни қолдиқ қиймат бўйича сотиш;
- олди-сотиш далолатномаларида қолдиқ қийматни кўрсатган ҳолда текинга бериш (ҳада қилиш шартномалари бўйича).
Пахта тозалаш корхоналарида асосий воситаларнинг техник ҳолати ва ҳаракат кўрсаткичларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиб бориш тармоқда амалга оширилаётган модернизация, техник ва технология қайта жиҳозлаш шароитида олиб борилиши давлатимизда белгиланган инқирозга қарши чора-тадбирлар дастуридаги муҳим омиллардан биридир.
Жорий йил охирига қадар, идоровий мансублигидан қатъи назар, барча йирек корхона ва ишлаб чиқариш қувватларида жаҳон тажрибасида синовдан ўтган замонавий технологиялар билан алмаштирилиши лозим бўлган ускуна ва технологияларнинг рўйхатини аниқлаш учун техник аудит ўтказиш зарур.
Кўрбошимиз таъкидлаганидек: «... жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутаяди. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланади».

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника ютуқларидан кенг миқёсда фойдаланиш билан бирга имкон даражасида асосий воситаларни янгилаб туриш пахта тозалаш корхоналарида сифатли маҳсулот тайёрлашни таъминлаб, юқори фойда қўришга олиб келади.
**Ғофур ЖАББОРОВ,**
**«Тошкентпахтасаноат»**
**ХАБ Пахта хомаъёси**
**контракция**
**шартномалари**
**бўлими бошлиғи**

«Агробанк» ОАТБ Иқтисодий тараққиёт сари

Мамлакат тараққиётининг асоси, шубҳасиз, иқтисодий ислохотларнинг тўғри йўлга қўйилганлиги ва самарадорлигига боғлиқ. Молия тизимига давлатимиз томонидан қатта эътибор қаратилаётгани, айниқса, банклар фаолиятини янада ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бугун ўз мевасини бераётди. Мамлакатимиз раҳбарининг банк тизимини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш ҳамда тижорат банкларнинг капиталлашуви даражасини оширишни рағбатлантиришга оид фармон ва қарорлари банкларнинг капиталлашуви даражасининг ортishiга, шу орқали кредитлаш имкониятининг ошишига олиб келмоқда.



Бугунги кунда «Агробанк» ОАТБ Андижон вилоят бошқармаси туман ва шаҳар бўлимларида фаолият юритаётган 16 та филиали, 15 та мини банки турли мулкчилик шаклидаги 23 минг 264 та юридик шахс мақомига эга мижозларга комплекс банк хизматларини кўрсатаётди.
Таъкидлаш кераки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, сифатли банк хизматини тақлиф этишда бир қатар эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни қайд этиш жоиз. 2012 йил 5 ойи давомида яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ҳамда кичик бизнес субъектларига ажратилган 9 млрд. 178 млн. сўм кредитлар ҳисобидан қишлоқ жойларидаги юқори инновацион лойиҳалар молиялаштирилди. Ажратилган кредитлар ҳисобига 1829 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, аҳолига маийш хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 566 млн. сўм йўналтирилди.

«Агробанк»нинг вилоят бошқармаси ҳам ушбу хайрли ишларга ўз улушини қўшиш мақсадида ҳамда Президентимизнинг юқоридаги фармониغا мувофиқ 310 млн. сўм миқдорда, шунингдек, оилавий тадбиркорлик ва хўнарамчиликни ривожлантиришга 147 млн. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.
Ўз навбатида, банк томонидан аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эътижини таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озик-овқат маҳсулотлари билан тўлдирish, асосан қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи иҳчам корхоналарини барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантиришга банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан 2 млрд. 382 млн. сўм миқдорда кредитлар берилгани эътиборга молик.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони талабларидан келиб чиқиб, касб-хўнара коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш, ўз бизнес лойиҳаларини амалга оширишга қўшимча қўллаб-қувватлаш ва шу орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасида банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан 172 млн. сўм миқдорда кредитлар берилди.
Жумладан, ҳудудий филиал миқноси Улуғбек Насриддинов раҳбарлигидаги «Дармон нон Анд» МЧЖга нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида 50 млн. сўм миқдорда банк кредити ажратилган бўлиб, бунинг ҳисобига 16 нафар янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда жамият йилга 540 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бундан ташқари, банк мижозлари томонидан рақобатбардор, сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни қўлайитириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан тўлиқроқ бойитиш, тайёр ноозик-овқат товарларни ишлаб чиқарувчи янги, маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларни модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида 2 млрд. 250 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келинмоқда.
Хулоса қилиб айтганда банк томонидан ажратилган кредитлар юртимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. «Агробанк»нинг вилоят бошқармаси юқорида қайд этилганидек, қўпгина соҳаларни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини изчил давом эттираверади.

«Respublika mulk markazi» YoAJ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилади!

«Тико» рўсумли, д/р 01 593 НВА бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 425 523 сўм.
2.Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Корасарой кўчаси 325-«а» уй манзилида сақланаётган «Альфо-ромео» рўсумли, д/р 01 190 ДАА бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 879 000 сўм.
Аукцион савдоси 2012 йил 15 июн кунини саноат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнари саноат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати: 2012 йил 13 июн кунини саноат 18:00.
Юқоридаги мулк 2012 йил 15 июндаги аукцион савдосида сўлимаган тақдирда, тақрирӣ аукцион савдолари 2012 йил 2 ва 17 июл кўнари саноат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати: 2012 йил 2 июлдаги тақрирӣ савдолар учун 2012 йил 29 июн кунини саноат 18:00, 17 июлдаги савдолар учун 13 июл кунини саноат 18:00.
Савдо қўлиби деб топилган шахсга 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотиш шартнома-

қаларининг бу йилги Республика босқичида жамоаси иштирок этиш баҳтига муяссар бўлганини фахр билан таъкидлайди.

Фаолиятга назар
Нурота туман таълим, фан ва маданият ходимлари бирлашган касаба уюшма кенгаши тасарруфида 85 та БКУ бўлиб, уларда 7051 нафар аъзо бирлашган. Қ. Раҳмоновнинг туман кенгаши раиси сифатидаги жорий йилги фаолиятига қисқача назар солиқда 4 ой мобайнида соҳа ходимларини ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий химоялаш, маънавий-маърифий ва спорт ишлари ҳамда меҳнат муҳофазасига доир қилинган ишлар салмоқли эканига амин бўлди.

доимий ўқув семинари жорий этилди.
Тумандаги таълим ва маданият муассасаларида ишловчи ходимларнинг 138 нафари кам таъминланган оила аъзосидир. Бола парварishi билан банд бўлган 104 нафар хотин-қиз таълим соҳасида ишлайди. Ишловчилар орасида 102 нафар ногирон ходимлар бор. 16 ёшгача ногирон боласи борлар 14 нафарни ташкил этади. Туман миқёсида 41 нафар уйда ўқитиладиган ногирон ўқувчи мавжуд. 15 нафар чин етим бола — уларнинг бари доимий диққат марказимизда.
Икки нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, фахрий маорифчимиз бор. 21 нафар Афғон уруши қатнашчиси шу соҳада ишлайди. Таълим ходимларидан 1 нафар «Соғлом авлод» ордени, 3 нафар «Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси», 1 нафар «Меҳнат шўхурати», 1 нафар «Эл-юрт хурмати» ордени, 5 нафар «Шўхурат» медалли соҳибни, 3 нафар «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» ва 159 нафар «Халқ таълими аълочиси» ёш авлодга таълим-тарбия беришяпти. Табиийки, улар ҳар томонлама руҳлантирилаётди.

Наврўз байрами арафасида «Мўъжиза», «Феруза», «Калдирғоч», «Юлдуз» МТМларида «Сизга таълим, оналонлар!» номи уч авлод урашувлари ўтказилди. Нафақадаги 12 нафар, касал ётган 9 нафар ходимнинг ҳолидан хабар олинди. Кам таъминланган оилаларнинг 16 тасига моддий ёрдам кўрсатилди. 82 та бошланғич ташкилотлари бўлган таълим ва маданият муассасаларида ёшлар билан маданият-маърифий тадбирлар уюштирилди. «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови вилоят босқичида 22-мактаб бошланғич ташкилоти иштирок этмоқда. Апрель ойида 30 нафар соҳа ходимининг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. 4 ой давомида 4 нафар ходимга сикатҳоғларга йўлланма ажратилди. Бундай ишлар саногини узоқ давом эттириш мумкин.

ОИЛАСИ

— Туманимизда 58 та умум таълим мактаби, 14 та МТМ муассасаси, 8 та мактабдан ташқари таълим ва маданият муассасаси, етти та мактаб-интернат, 3 та касб-хўнара коллежи бўлиб, уларда 14 мингга яқин ўқувчи таълим олмақда, — дейди Қ.Раҳмонов. — Кенгашимиз билан ХТБ ўртасида 2010-2012 йилларга мўлжалланган жамоа келишуви тузилган.
Яқинда ўтказган раёбат йиғилишимизда ходимларни ижтимоий-иқтисодий химоялаш бўйича 3 та масала қўрилди. Мавзу борасидаги қонунларни етказиш ва тарғиб қилиш мақсадида 4 марта семинар уюштирилди. Ҳар ой иккинчи ҳафтасининг пайшанба кунини кадрлар ва фаолларнинг

«Эл-юрт хурмати» ордени, 5 нафар «Шўхурат» медалли соҳибни, 3 нафар «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» ва 159 нафар «Халқ таълими аълочиси» ёш авлодга таълим-тарбия беришяпти. Табиийки, улар ҳар томонлама руҳлантирилаётди.
**Йил бошидан**
Туманда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, барча умумтаълим мактаб директорларига кўрсатмалар беришган. Таълим муассасаларида ногирон ўқитувчилар ва болалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, байналмилал жангчилар, боласи 2 ёшгача парваришда

бўлган ходимлар, нафақада бўлганлар, кам таъминланган оилалар ҳамда буювчиси йўқотган оила фарзандларини рўйхат олишган. Соҳада ишлайётган 30 ёшгача бўлган ёш оилаларнинг яшаш шароитлари мониторинг қилиниб, турли байрамлар муносабати билан уларга моддий кўмак берилди.
Наврўз байрами арафасида «Мўъжиза», «Феруза», «Калдирғоч», «Юлдуз» МТМларида «Сизга таълим, оналонлар!» номи уч авлод урашувлари ўтказилди. Нафақадаги 12 нафар, касал ётган 9 нафар ходимнинг ҳолидан хабар олинди. Кам таъминланган оилаларнинг 16 тасига моддий ёрдам кўрсатилди. 82 та бошланғич ташкилотлари бўлган таълим ва маданият муассасаларида ёшлар билан маданият-маърифий тадбирлар уюштирилди. «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови вилоят босқичида 22-мактаб бошланғич ташкилоти иштирок этмоқда. Апрель ойида 30 нафар соҳа ходимининг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. 4 ой давомида 4 нафар ходимга сикатҳоғларга йўлланма ажратилди. Бундай ишлар саногини узоқ давом эттириш мумкин.
Туман касаба уюшмасига йил бошидан бўён қилинган мурожаат эътибор қаратиб, ходимлардан тугшан 2 та ёзма, 17 та озғакчи мурожаат ижобий ҳал этилган гувоҳ бўлди. Моддий ёрдам сўраб ёзилган 41 та аризоннинг барчаси қаноатлантирилган. Меҳнат муҳофазаси бўйича семинар ўтказилган. Утган даврда ҳеч қандай бахтсиз ҳодиса содир бўлмаган.
Зеро, инсонларга қувонч ва рағбат улашайтган кишининг юзи доимо нузли, қалби фараҳга тўла бўлади.
**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Тошкент шаҳар Хўжалик Судининг 2012 йил 23 майдаги ҳал қилув қарорларига асосан тугатилаётган корхоналар рўйхати.

Table with 6 columns: №, Корхона номи, СТИР, Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами, ХТУТ (ОКРПО), Хўжалик судининг қарорини рақами ва санаси. It lists various companies and their liquidation status.

Мақур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар икхи ойи мобайнида Тошкент шаҳар, Нукус кўчаси 18-й Мировод туман Ҳокимлиги Корхоналарни тугатиш доимий ишловчи маҳсул комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин. Ш.Ш.Тиллоҳоджаев, Мировод тумани ДСИ бошлиғи в.в.б.

КАСАБА УЮШМА СПОРТИ

Майдонда — коллеж ўқувчилари



Кези келганда саралаш баҳслари ҳам қизгин ўтганлигини таъкидлаш лозим. Натижада, Республика босқичига Хоразм, Фарғона, Самарқанд ҳамда Тошкент вилояти жамоалари йўлланма олишти.

бериш Тошкент вилояти жамоаси қизларига насиб этди. Ўғил болалар ўртасидаги мини футбол беллашувлари ўзининг кескинлиги билан томошабинлар диққатини тортди.

Самарқанд ва Тошкент вилояти жамоалари ўртасидаги биринчи ўрин учун бўлган курашда Тошкент вилояти ёшлари ғолибликка эришди.

— Мусобақа жуда яхши ташкил этилгани билан ёдда қоладиган бўлди, — дейди мини футбол бўйича Самарқанд вилояти жамоаси мурраббий Фахриддин Баратов. — Вилоятда 14 та коллеж ўртасидаги беллашувлар ҳамда ҳудудий саралаш босқичида биринчи ўринни қўлга киритиб, мусобақанинг Республика босқичига етиб келдик.

ёшларимизнинг аксарияти пойтахтни биринчи бор кўришлари эди. Мусобақадан бир кун олдин Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ҳамда Мустақиллик майдонига саёҳатлар уюштирилди.

— Замонавий талабларга мос спорт мажмуасида ўтказилган баҳслар бизда катта таассурот қолдирди, — дейди волейбол бўйича Фарғона вилоят жамоаси мурраббий Дониёр Каримов. — Саралаш беллашувларида шогирдларим яхши натижаларни қайд этиб, финалгача етиб келдик.

Яқунда ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири

КУРАШ

Бош тобоқ — полвонимизда!

Қарши шаҳрида кураш бўйича мамлакат Президентини соврини учун буюк бобокалонимиз Амир Темур хотирасига бағишлаб олтинчи бор ташкил этилган халқаро турнирда ўзбек полвонининг кўли балан келди.

Нуфузли мусобақада оғир вазндаги полвонимиз Сами Убайдуллаев барча рақиблари курагини ерга текказиб, бош соврин соҳиби бўлди. У Ли Юнгеон, Марс Махмудов, Уткир Саломинов, Ширин Шарипов ҳамда финалда Адриен Пинни енгашга муваффақ бўлди.

Халқаро турнир якунларига қўра яна икки полвонимиз — Илхом Жўраев ва Ширин Шариповга бронза медаллари насиб этди.

ДЗЮДО

Звенигород (Россия) шаҳридаги «Дзюдо академияси»да «Катта дубулға» туркумига кирувчи йирик халқаро турнир ўтказилди. Мукофот жамғармаси 154.000 АҚШ долларини ташкил этган мазкур мусобақада дунёнинг 34 давлатидан 164 нафар полвон ғолиблик учун татамига чиқди.

«Катта дубулға»дан медаллар билан

Вазни 66 кг.гача бўлган полвонлар беллашувида Мирзохид Фармонов дастлаб белгиялик Кеннет Ван Гансбетни, канадалик Саша Мехмедович ва мўғулстонлик Мирягача Санджаасурени ва финалда Такаё Мимомумини мағлубиятга учратиб, олтин медал соҳибига айланди.

Вазни 73 кг.гача бўлган полвонлар беллашувида ватанимиз шарафини Наврўз Жўрақабиллов ва Мирали Шариповлар ҳимоя қилишти. Япониялик Юки Нишиямага очколар ҳисобида имконияти бой берган Наврўз яқунда кумуш медалга сазовор бўлди.

Мирали Шарипов эса бронза медални билан тақдирланди. Халқаро турнирнинг иккинчи кунинда вазни 81 кг.гача бўлган полвонлар беллашувида тажрибали спортчимиз Яхё Имомов навбатдаги кумуш медални терма жамоаси ҳисобига қўшиб қўйди.

100 кг.гача бўлган дзюдочилар баҳсида Рамзиддин Саидов барча беллашувларда зафар қучиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Халқаро турнирнинг яна бир олтин медалига мутлақ вазнда Абдулла Тангриев сазовор бўлди.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

2012 ЙИЛ — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгашлари ҳамкорлигида қадимий ва боқий Бухоро шаҳрида «Соғлом оила — соғлом фарзанд» шиори остида ўтказилган оилавий мусобақалар унутилмас лаҳзаларга бой бўлди.

Унутилмас лаҳза

Уч кун давомида вилоят марказидаги Олимпия захиралари спорт коллежи залларида ҳаёт кайнади. Бу ерда дастлаб туман ва шаҳар, кейинчалик вилоят босқичида ғолибликка эришган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар тиббиёт ходимлари оилавий жамоалари жамулжам бўлишти.

Югуриш, акробатика элементлари ва тўпни нишонга отиш, «Чаққонлик ва мерганлик» эстафетаси, «Моҳир ҳужумчи», «Овчилар ва қуёнлар» ўйини, «Қаддимизни роқстаймиз, сакрашни бошлаймиз», кўпкураш мусобақалари, тезлик ва эпиллики эстафетаси, арқон тортиш беллашувларининг ҳар бири ўзига хос кўринишда ўтди.

— Бундан 15 йил илгари Бухорога келганим. Унинг бугунги кўйидадан лол қолдим. Муқаддас қадимжолар ва зиёратгоҳларга уюштирилган саёҳатлар кўпчиликни мумин этди, — деди тармоқ касабаси уюшмаси Жизжаз вилояти кенгаши раиси Хамроқул Қодиров.

— Оилани соғломлаштирмай туриб, уни мустаҳкам бўлмайди. Оилаимизнинг доимий равишда спорт билан шугулланиши бугун ўзининг ижобий самарасини берди. Турмуш ўртоғим Озод Калмуратов ва ўғлим Омонбай билан беллашувларда ижобий натижаларга эришдик, — деди ТошПТИ Нукус филиали кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди Гулпаршин Жисеуратова.

— Мусобақа сабаб турмуш ўртоғим, ўғлим билан биринчи марта Бухорога кел-



дик. Таассуротлар бир олам. Шарт-шароитлар аъло даражада. Мусобақаларда фаол қатнашдик. Қўллар дўстлар ортирдик. Бу кунлар бир ум қалбимизда муҳрланиб қолади. Тадбир ташкилотчиларига катта раҳмат, — деди Санатор-курортлар бошқармасига қарашли «Оқтош» санаторийи ходими Дониёр Ашурматов.

Мусобақа якунига қўра 1-ўрин Қайғивелар (Бухоро) ва Қалмуратовлар оилалари (Қорақалпоғистон Республикаси), 2-ўрин Султоновлар ва Ҳайдаровлар оилалари (Андижон, Фарғона), 3-ўрин эса Сувоновлар ва Тожиёвлар оилалари (Қашқадарь, Тошкент шаҳри) вақилларига насиб этди.

Юқори натижаларга эришган спортчи оилалар муносиб тақдирланди.

Изазатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

МУЛОҲАЗА

Айтишларича, бир одам кўёш жазирасида дашту биёбонда юриб, ҳолсизликдан силласи қурибди. Шунда узокдан серсоя дарахт кўринибди. Йўловчи бениҳоя шодлиниб, дарахт томон шошибди. Унинг соясида роҳатланиб, ором олибди. Чарчоқлари ёзилибди. Мириқиб ҳордиқ чиқаргач, ён-атрофга назар солибди. Улкан дарахтнинг сершоҳ навлари нафақат инсонларни ўз сояси билан «сийлар», балки турли жонзот ва қушларга ҳам бошпана экан.

«Бу бизнинг кўча эмас-ку?»

«Бу дарахтни эккан одам олижанобликда беназир экан. Менга ўхшаш йўловчилар ҳожатини чиқармоқ учун хайрли ишга қўл урибди. Бундай саховатпешалик нега менинг ҳаёлимга келмабди?», деган ўй ўтибди ҳаёлидан.

Йўловчи шундай ўйлар билан умрида бирон марта ҳам дарахт эмаганидан афсусланибди. Шу-шу ҳар йили баҳор келиши билан турли кўчалар экинши одат қилибди. Фарзандларини ҳам шунга ўргатибди.

Хамманинг ҳам қўлидан яхшилик келди, албатта. Бунга йўл-йўлакай кўчадаги тошни четга олиб қўядиган, ариқларни қис-чўплардан тозалаб қўйишни қанда қилмай йорадиган отахонлар ибратини мисол қилиб келтирсак бўлади. Лекин, яширмайлик, баъзи пайтларда ўзимиз ҳам йўлимизда йўғилиб ёлган уюмлардан айланиб ўтамиз. Утишга ҳаттак бераётган тошларни олиб ташлаш ҳаёлимизга келмайди.

Отам доим очиқ қолиб кетган сув қувурларини беркитиб, ариқлар устига ўрнатилган кўприкларни таъмирлаб қўядилар. Мабодо тахтаси синган бўлса, уни қўлайроқ қилиб ўрнатдилар. Болалигимга бориб, «Бу бизларнинг кўча эмас-ку, нега сиз тозалайсиз?» дердим. Шунда отам «Сенга ўхшашган кичкинтойлар туртилиб, йўқилмасин, деб-да» дердилар.

Ҳозир улғайиб, ўша гаплар тез-тез эсимга тушади. Негаки, билиб-билмайми, чиққондиларни тўғри келган жойга тўкаётган ёки бизнинг кўчадан машина ўтмасин деб, йўл ўртасига тўсиқ қўйганлар ҳамон учраб туради. Дейлик, кўп қаватли уйларида хар хил ҳолат содир бўлиши мумкин-ку? Кимдир бетоб бўлиб, «тез ёрдам»ни ёҳуд ёнғиннинг олдини олиш учун ўт учирини машинасини чақирини эҳтимолдан холи эмас. Бундайларга нима дейишни ҳам билмайсан. Бунинг учун юқорида мисол тарикасида келтирилган саҳродаги йўловчи ҳолига тушиш шартмики?

Нилуфар САПАЕВА

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин
Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Сирдарё вилояти кенгаши тармоқ ходимлари касабаси уюшмаси Сирдарё тумани кенгаши раиси Алижон Матхалиқовга ўқаси
Эркин МАТХОЛИКОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Бойсун туман суд ижроичилари бўлими томонидан тақдим этилган, ЖИБ Қизилриқ туман судининг 05.09.2011 йилдаги 1-167-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган Шўрақ фермер ҳўжалигига тегишли, Бойсун туман ИИБ жарима майдончасида сақланаётган қўйдаги автотранспорт қўйилмоқда.
1. Газ-53 русумли, давлат белгисиз, 1977 й и/ч яроқли ҳолатдаги автомашина Бошланғич баҳоси — 4 170 784 сўм.

Аукцион савдосига Узун туман суд ижроичилари бўлими томонидан тақдим этилган, Термиз харбий судининг 06.04.2012 йилдаги А-8-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Б.Ҳажимовга тегишли, Узун туман ИИБ-да сақланаётган қўйдаги автотранспорт қўйилмоқда.
6. ГБАСНГНЕКСИЯ русумли, д/р 75 Р 191 АА, 1999 й и/ч саз ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси — 14 400 000 сўм.

МЧЖ ММТПга тегишли, Денов туман Ободончилик МЧЖда сақланаётган қўйдаги автотранспортлар қўйилмоқда.
1. МТЗ-80 русумли, д/р 76-44 СН, 1980 й и/ч таъмирталаб трактор. Бошланғич баҳоси — 18 425 000 сўм.
2. МТЗ-80 русумли, д/р 76-56 СН, 1987 й и/ч таъмирталаб трактор. Бошланғич баҳоси — 15 845 500 сўм.

Сино кўчасида сақланаётган қўйдаги автотранспорт 5 фоз арзонлаштирилган ҳолда такрон қўйилмоқда.
6. «Нива» русумли, д/р 33-69, 1991 й и/ч носо ҳолатдаги комбайн. Бошланғич баҳоси — 5 692 088 сўм.
Аукцион савдосига Қумқўрғон туман суд ижроичилари бўлими томонидан тақдим этилган, Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 29.06.2009 йилдаги 11-0923/6393-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Қумқўрғон туман «Махсус Механизациялашган кўча жамланмаси»га тегишли, Қумқўрғон туман Янгишаҳар маҳалласида сақланаётган қўйдаги автотранспортлар 5 фоз арзонлаштирилган ҳолда такрон қўйилмоқда.

туман «Шербодканал» КМБга тегишли, Қумқўрғон туман Янгишаҳар маҳалласида сақланаётган қўйдаги автотранспортлар 5 фоз арзонлаштирилган ҳолда такрон қўйилмоқда.
12. «ЗИЛ-175 К» русумли, д/р 50-36 СДМ, 1990 й и/ч таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси — 2 277 622 сўм.
13. «ГАЗ-5204» русумли, д/р 39-05 СДЛ, 1986 й и/ч таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси — 2 354 529 сўм.
Аукцион савдосига 2012 йил 15 июн куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.
Юқоридagi мулк 2012 йил 15 июндаги аукцион савдосига сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 2 июл куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.
Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 гача тушиш вақти). Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати: 2012 йил 13 июн ва 2012 йил 29 июн куни соат 18:00.

Logo: O'KUF FTUU
Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Bosh muharrir: Abduliq Abdurazzoqov
Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'liqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib)
Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot 256-03-90, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43, Reklama va e'lonlar 256-87-73
Viloyatdagi muxbirlar: Andijon + 99897 465 05 68; Buxoro + 99893 653 50 81; Jizzax + 99872 360 00 10; Navoiy + 99894 226 28 84; Namangan + 99897 491 79 28; Samarqand + 99866 708 70 12; Surxondaryo + 99897 458 05 07; Farg'ona + 99873 221 93 19; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75; Qashqadaryo + 99897 414 30 78
Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: Ishonch2012@gmail.com
Nashr ko'rsatkichi: 133
Navbatchi muharrir: A. Toshev
Navbatchi: S. Abdurahmonov
Musahhih: S. Shodiyeva
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullajilov
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi. Korxonani muharrir: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart. Mualliflar fikr ta'biriyot nuqtai nazaridan farg'ona'ni mumkin.
Tijorat materiallari
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.
Gazeta format usulida, A-2 osetida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.
Boshig'ha topshirish vaqti - 21.00 Topshirildi - 21.30
Buyurtma Γ — 111
21945 nusxada bosildi
1 3 4 5